

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва
саломатлигини мустаҳкамлаш йили



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

@ farhaqiqat.uz

@farhaqiqati

2021 йил 1 январь, жума

№ 1 (24494)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Бетакрор диёримизга янги – 2021 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимизни – кўп миллатли битун халқимизни ушбу гўзал

ларга асосланган ўнлаб янги корхоналар, транспорт тизимлари ишга туширилди. Замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, боғча ва мактаблар, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этдик.

Мирошкор дехкон ва

Биз кириб келаётган 2021 йилга яхши ният ва катта режалар билан Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб ном бердик.

Янги йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бошлаган

2021 йилда давлатимиз мустақиллигига 30 йил тўлади. Ушбу шонли санани, иншооллох, барчамиз биргаликда муносиб нишонлаймиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган



ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ВА ЯНГИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Бугунги кунда жамиятимизнинг барча соҳаларида муҳим аҳамият касб этаётган мехатроника ва робототехника йўналиши ишлаб чиқариш, маъшият технологиялари ривожлантириш, автоматлаштирилган ва роботлаштирилган интеллектуал тизимларни жорий этишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Фарғона политехника институти мазкур йўналишларнинг малакали ва рақобатбардош кадрларини тарбиялаш борасида халқаро тажриба тўпламоқда. Олийгоҳда "Ўзбекистонда "Мехатроника ва робототехника" бакалав-

рият таълим йўналишини инновацион ғоялар ва рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш" халқаро лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг исботидир.

Европанинг "Erasmus+" дастури томонидан молия-

лаштирилаётган ушбу инновацион лойиҳада институт билан бирга Греция, Латвия, Литва, Португалия сингари давлатларнинг 6 та олий таълим муассасаси, шунингдек, Андижон машинасозлик институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети филиали, Қарши

муҳандислик иқтисодиёт институти илмий жамоатчилиги фаол иштирок этмоқда.

Европа олий таълим муассасаларининг тажрибасидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясининг янги ҳамкорлик шаклини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида янги "Мехатроника ва робототехника" таълим йўналишларини очиш ва мавжудларини

модернизация қилиш, Мехатроника ва робототехника соҳасига оид ўқув дастури, янги авлод ўқув адабиёт ва материалларни чоп этиш ва дастурий таъминотини яратиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, янги ўқув лабораторияларини ташкил этиш унинг асосий мақсадларидир.

Ўтган йили олийгоҳимизнинг механика-машинасозлик факультети қошида янги "Мехатроника ва робототехника" таълим йўналиши очилди. Унинг ўқув режалари ва фан дастурлари ишлаб чиқилди. Институт олимлари томонидан иккита ўқув қўлланма, бир нечта илмий мақола ва тезислар чоп эттирилди. Профессор-

ўқитувчилар, талаба ва магистрантлар, мустақил тадқиқотчилар, шунингдек, ушбу йўналишларда иш берувчи ташкилотлар учун конференция ва семинарлар ўтказилди. Институт веб-сайтида ҳам халқаро лойиҳага бағишланган янги саҳифа очилди.

2020-2022 йилларга мўлжалланган мазкур истиқболли лойиҳа мехатроника ва робототехника йўналишларининг замонавий кадрларини камолга етказишда самарали хизмат қилади.

Элдор МАЪМУРОВ,
Фарғона
политехника
институти катта
ўқитувчиси.